



«FINANCE AUDIT» MCHJ

auditorlik tashkiloti

O'zbekiston Respublikasi Andijon shahri, Навоий шохкучаси 35 уй, h/r: 20208000300276242001, ТИФ Миллий банк Анд вилояти булими, MFO: 00074, INN:302754484, тел: (90) 254-16-20 , email: financeaudit2019@mail.ru Молия вазирлиги томонидан 01.04.2019 й №00754 сонли лицензия эгаси

МУСТАКИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

2022 йил 20 май

“Зиёвуддин пахта тозалаш” АЖ

Рахбариятига

“Зиёвуддин пахта тозалаш” АЖ манзили: Самарканд вилояти, Пахтаки тумани, М Улугбек МФЙ, Навруз кучаси 2 уй, “Агробанк “ АТБ Пахтаки тумани филиали, МФО: 00297. №xp:20210000300472714001, ИНН: 200769216

Биз “Зиёвуддин пахта тозалаш” АЖ нинг 2021 йил 31 декабр ҳолатига бўлган бухгалтерия балансидан, кўрсатилган санада тугаган давр мобайнида фойда ва заарлар тўғрисида ҳисоботдан, шунингдек ҳисоб сиёсати ахамиятли қоидаларининг қискача тавсифи ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик. Молиявий ҳисоботлар “Зиёвуддин пахта тозалаш” АЖ раҳбарияти томонидан БХМС ва Бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги конунга асосан тайёрланган .

Корхона раҳбариятининг молиявий ҳисоботлар учун жавобгарлиги

Корхона раҳбарияти мазкур молиявий ҳисоботларни БХМС ва бухгалтерия ҳисоби тугрисидаги конунга мувофиқ тайёрлаш, шунингдек Корхона раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузуб кўрсатишлардан холи молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг жавобгарлиги

Бизнинг жавобгарлигимиз мазкур молиявий ҳисоботлар бўйича ўзимиз ўтказган аудит асосида фикр билдиришдан иборат. Биз аудитни Аудитнинг Халқаро Стандартларига мувофиқ ўтказдик. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузуб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Аудит молиявий ҳисоботларда акс эттирилган суммалар ва очиб бериладиган маълумотлар бўйича аудиторлик далилларини олиш учун тартиб-таомилларни бажаришни ўз ичига олади. Танланган тартиб-таомиллар аудиторнинг мулоҳазасига, шу жумладан фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботларда юзага келиши мумкин бўлган муҳим бузуб

кўрсатишлар рискларига берилган баҳога боғлиқдир. Бундай рискларни баҳолашда, тадбиркорлик субъекти ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида фикр билдириш мақсадида эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳакконий тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқади. Аудит ўтказиш кўлланилаётган ҳисоб сиёсатининг мақбуллигини ва тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан ҳисоблаб чиқилган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек молиявий ҳисоботларнинг умумий ифодаланишини баҳолашни ҳам ўз ичига олади.

Биз ўзимиз олган аудиторлик далиллари ўз аудиторлик фикримизни билдиришда асос сифатида таяниш учун етарлича тегишли далиллардир деб ҳисоблаймиз.

Фикр

Бизнинг фикримизча, “Зиёвуддин пахта тозалаш” АЖ нинг 2021 йил 31 декабр холати учун молиявий ҳисоботлари барча муҳим жиҳатларда БХМС ва бухгалтерия хисоби тугрисидаги конунга мувофиқ тайёрланган.

**МЧЖ “FINANCE AUDIT”
аудиторлик ташкилоти аудитори:**

У.Рахмонова

